



■ ФРАКЦИЯМИЗ ФАОЛИЯТИ

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИ

ЎзХДП фракцияси фаолиятининг устувор йўналиши ҳисобланади

Мамлакатимиз тараққиётининг стратегик вазифаларини ҳал этиш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сиёсий партияларнинг ўрни тобора кенгайиб, таъсир кучи ортиб бормоқда. Буни парламентдаги фракциялар фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.



Ўзбекистон ХДП фракцияси парламент ва депутатлар олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, йил бошида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиққан эди. Шу асосида ўтган давр мобайнида муайян ишлар амалга оширилди.

Фракциянинг навбатдаги йиғилишида уларнинг натижалари атрофлича муҳокама этилди.

Таъкидландики, жорий йилнинг ўтган 6 ойида фракция йиғилишларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган 30 га яқин қонун лойиҳаси кўриб чиқилган.

► Давоми 2-бетда.

■ ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ

Ургут юқори суръатларда ривожланиб бораётган туманлардан бири.

Аҳолисининг асосий машғулоти — тадбиркорлик, ҳунармандчилик, ғаллачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик...



УРГУТНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ ВА ЮТУҚЛАРИ ТОҒЛАРИ КАБИ ЮКСАК

Туманнинг умумий ер майдони 1,12 минг квадрат километрдан иборат. Аҳолисининг кўпчилиги ҳаётини ҳаётининг республикада юқори ўринлардан бирини эгаллайди. Кейинги маълумотларга кўра, туман ҳудудида 500 000 нафардан ортиқ аҳоли яшайди. Одамлари меҳнаткаш, ишбилармон, меҳмоннавоз. Улар ўз тоғлари, боғлари, бозорлари билан қадимдан фахрланиб келишади. Мустақиллик даврида амалга оширилган бунёдкорликлар, ўзгариш ва янгиликлар эса уларга ўзгача гуруҳ бағишлайди.

Марказий Осиёдаги сиёсий ва иқтисодий вазиятнинг етакчи билимдонлари — Германия Федератив Республикасининг Франкфурт шаҳрида яшовчи юридик фанлари доктори Левитин билан тарихий ва сиёсий фанлар профессори Карлайнинг 1996 йилда чоп этилган «Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти» китобида бу туман шундай эътироф этилади:

«Ургут ҳокимининг таклифига биноан биз ўз хоҳишимизга кўра, кўп

хонадонларда бўлдик. Уйлар асосан қўшқаватли, бағоят кўрам-файзли хонадонлардаги одамлар бунда анча-мунча тўқ яшашар экан. Биз кирган ҳар бир хонадонда бадавлатлик аломатлари кўзга ташланиб туради. Нафақат озиқ-овқатлар, қолаверса, кийим-кечак, мебель ва нихоят, одатда, наинки ҳис-туйғуларнинг тўлалигидан, башарти давлатнинг бутунлигидан юз очадиган шоду хуррамлик етарли эканлигининг шохиди бўлдик».

Муаллифлар яна бир ўринда шундай ёзди: «Бизнинг барча суҳбатдошларимиз бундан бир неча йил бурун Ургутда кун кечириб нихоятда оғир бўлганлиги тўғрисида сўзладилар. Бесўнақай қолхозда унинг меҳнат ресурслари тўлиб-тошганлиги важдан ишни тўғри ташкил этиш мумкин бўлмаган. Чорвачилик заиф ривожланган эди. Зироатчилик — мавсумий. Одамлар нима билан ўзини банд қилишни билмасдилар».

■ ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Она ва бола саломатлиги

Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги «Ўзбекистон» қишлоқ фуқаролар йиғинида «Аёллар соғлиги — жамият бойлиги» лойиҳаси доирасида давра суҳбати ўтказилди.

Унда ЎзХДП Тўрткўл туман кенгаши вакиллари, «Фаол аёллар» қаноти, «Истикбол» ёшлар қаноти етакчилари ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари қатнашди. — Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, ёш оналар ва болаларни

парвариш қилиш ишларини кучайтириб бораёмиз, — дейди Тўрткўл туман тиббиёт бирлашмаси шифокори, бошланғич партия ташкилоти раиси Анвар Ходжаниязов. — Айниқса, бу борада тарғибот-ташвиқот ишлари изчил йўлга қўйилган. Бу жараёнда бизга ҳамкор ташкилотлар, шунингдек, партиямиз фаоллари кўмак бериб келмоқда.

Тадбирда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оналар ва болалар, ёш оилалар

саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича белгиланган имтиёзлар ва улардан фойдаланиш масалалари ҳақида маълумотлар берилди.

Шу кун 18 нафар хотин-қиз, 14 нафар бола бепул тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга даволаниш учун тегишли йўланмалар тақдим этилди.

Манаждин КҮТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ МУСТАҚИЛЛИК САОДАТИ

Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни асраш ҳамда мустаҳкамлаш, минтақани хавфсизлик ва барқарор ривожланиш зонасига айлантириш Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясида устувор вазифалар қаторида белгилаб қўйилган.

Тинчлик ва омонлик — бебаҳо неъмат

Шу ўринда, муҳим бир воқеани такрор бўлса-да, ёдга олиш керак бўлади. 2014 йил 6 май куни БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида — мазкур ташкилот тузилганидан буён биринчи маротаба бешта ядровий давлат — АҚШ, Буюк Британия, Франция, Хитой ва Россия яқдиллик билан ва бир пайтнинг ўзида муҳим халқаро ҳужжатни — Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш тўғрисидаги шартномага хавфсизлик кафолатлари тўғрисидаги протоколни имзолади.

Озод РАЖАБОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ДИҚҚАТ: КҮРИК-ТАНЛОВ

«Савдо ва хавфсизлик»

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 21 июлдаги қарорига асосан савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ўртасида эълон қилинган кўрик-танлов ана шундай номланди.

Шу муносабат билан Тошкент шаҳар ҳокимлигида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун брифинг ўтказилди. Унда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Шухрат Турдиқулов, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси бошлиғи Улугбек Абдуллаев мазкур тадбирдан кўзда тутилган мақсад ва танловни ўтказиш тартиби ҳақида журналистларга батафсил маълумот берди.

Барчамизга аёнки, савдо ва умумий овқатланиш тузилмалари (бозорлар, гипермаркетлар, супермаркетлар, мини-маркетлар, ресторанлар, кафелар, барлар, чойхоналар, ошхона ва тамадди-хоналар) ҳамиша гавжум бўлади. Бундай жойларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш эса долзарб масаладир. Ҳукумат қарорига кўра, кўрик-танлов иш-тироқчилари хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини ошириш бора-бора ютуқлари билан бирга хариддорлар хавфсизлигини таъминлашда замонавий технологиялар (видеокузатув камералари, металлодетекторлар, автоматик

тарзда ишга тушадиган ёнгина қарши қўрилмалар)дан қанчалик юқори даражада фойдаланаётганини амалда намойиш этишлари керак. Шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатишда санитария-гигиена талабларига тўлиқ риоя этилиши, тиббиёт хоналарининг амалдаги қоидаларга мос жиҳозланиши, эвакуация режасининг мукамиллиги, автотураргоҳларнинг қулайлиги, кўриклаш хизмати ходимларининг касбий малакаси, фавқулодда ҳолатларда шошилиш хизматлари ва ҳукукни муҳофаза қилиш идоралари билан тезкор ҳамкорлик, ёндош ҳудудларнинг ободонлаштирилиши масалалари ҳам алоҳида эътиборга олинади.

— Икки босқичда ўтказиладиган кўрик-танловнинг турли номинатсиялар бўйича аниқланадиган ғалиб ва совриндорларига ҳамкор ташкилотлар томонидан пул мукофотлари ажратилган, — деди Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Шухрат Турдиқулов. — Жумладан, «Энг яхши йирик савдо объекти» номинатсияси ғалиби мамлакатимизда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланади. Бир ҳафта муддатда ушбу танловнинг ўтказилиши билан боғлиқ босқичма-босқич тадбирларнинг аниқ режаси тасдиқланади. Кўрик-танлов очик бўлиб, унда савдо ва умумий

овқатланиш тизимидаги барча субъектлар иштирок этиши мумкин. Бунинг учун туманлар ҳокимликларида ташкил этилган махсус комиссияларга белгиланган тартибда ариза беришнинг ўзи kifoya.

Аънавийлик касб этиши режалаштирилган «Савдо ва хавфсизлик» кўрик-танловининг ғалиби ҳамда совриндорлари Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги байрами арафасида — 29 август куни пойтахтимиздаги мухташам «Туркистон» саройида тантанали равишда тақдирланади.

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ
КЕНГАШЛАРИДА

Шу йилнинг июнь ойида ЎзХДП Андижон вилоят, туман, шаҳар кенгашлари қошидаги жамоатчилик қабулхоналарига 80 га яқин муурожаат бўлди. Уларнинг 80 фоиздан ортиғи ижобий ҳал этилди.

ХАРАКАТ ДАСТУРИГА АСОСАН ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ОИЛАЛАР ФАРЗАНДЛАРИ, АЙНИҚСА, ҚИЗ БОЛАЛАРНИНГ СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШИ УЧУН ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ВА ЧЕККА ҲУДУДЛАРДА ЯНГИ СПОРТ ОБЪЕКТЛАРИНИ ҚУРИШ, УЛАРНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАСАЛАЛАРИ МАРҒИЛОН ШАҲАР КЕНГАШИДАГИ ПАРТИЯМИЗ ГУРУҲИ ТОМОНИДАН ДОИМИЙ КОМИССИЯДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САРИОСИЁ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲИ АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛАНИ СЕССИЯГА КИРИТДИ.

МУСТАҚИЛЛИК
САОДАТИ

■ Давлатимиз раҳбари нафақат юртимиз ва минтақамиз, айна чоғда бутун дунёда тинчликни сақлаш бўйича ҳам қатор гоёларни илгари суриб келмоқда, ташаббуслар билан чиқмоқда.

ТИНЧЛИК ВА ОМОНЛИК —
БЕБАҲО НЕЪМАТ

Президентимизнинг 2016 йил 2 июндаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарориди таъкидланганидек, биз бундан чорак аср олдин ўз мустақиллигини қўлга киритиб, жаҳондаги мустақил ва суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгалладик. Ўзини оқламаган эски, мустақил тузумдан бутунлай воз кечиб, чуқур ўйланган, миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислохотларга асосланган, бутун дунёда «Ўзбек модели» деган ном билан тан олинган тараққиёт стратегиямиз нақадар тўғри ва ҳаётий эканлигини барчамиз кўриб-билиб турибмиз.

Шунингдек, мазкур қарорда Ватанимизнинг кўп асрлик шонли тарихида мулқоқ янги давлат, янги жамият барпо этиш йўлини очиб берган буюк тарихий воқеа — мамлакат мустақиллигининг ўтган чорак асрлик даврида барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ишларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини юртимиз ҳамда жаҳон жамоатчилигига етказиш билан боғлиқ устувор вазифалар белгилаб берилган. Бу ҳақда сўз борганда, аввало, «бутун биз бошимиздан кемираётган ўта таҳликали замонда, ён-атрофимизда турли таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда энг катта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва оқошталликни кўз қорачиқдек асраш, миллатлар ва фуқаролараро дўстлик ва ҳамжihatлик, ўзаро ҳурмат ва меҳроқибат муҳитини янада мустақамлаш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиб яшаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини чуқур очиб бериш зарур эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

Инсоният тарихидаги муҳим ва бешафкат, беҳисоб йўқотишларга олиб келган урушнинг бошидан кечирган ҳалқимиз доимо битта ният билан яшади: бундай ёвуз офат ҳеч қачон қайтмасин, остонамизга яқин келмасин. Зеро, бизга тинчлик керак, омонлик керак. Бир қарашда, оддий бўлиб кўринадиган бу икки қалима замирида ривожланиш, тараққиёт ва фаровонлик тушунчалари ҳам мужассам. Асосий Қонуни-мизда фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш масаласи конституциявий норма сифатида мустақамлаб қўйилгани ҳам бежиз эмас.

Бундай қатъий таъминлар халқимиз онгу тафаккурита чуқур сингиб кетган. Ёшу қари тинчликнинг моҳияти ва аҳамияти ҳамда кадр-қимматини теран англайди. Давлатимиз раҳбари 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари ходимларига берган интервюсида ушбу ҳаётий ҳақиқатни яна бир бор ёдимизга солиш орқали тинчликни таъминлашга ҳар биримиз масъул эканимизни алоҳида таъкидлади.

Бугун дунёда хавф солаётган таҳдидлар жуда серқирра бўлиб, эндиликда у

бирон давлат ёки минтақа билан чегараланиб қолаётгани йўқ. У бутун дунёга хавф туғдиришмоқда. Жумладан, бутунги таҳдид сиёсий ва диний экстремизм, миллатчилик ва миллий маъдудлик, этник ва миллатлараро низо, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик, коррупция ва жиноятчи-

АҚШда фаолият кўрсатаётган «Гэллар институтини» ижтимоий фикрни ўрганиш марказининг «Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси» бўйича 2015 йилда Ўзбекистон дунёдаги 141 та давлат орасида 2-ўринни эгаллагани ҳам барчамизга мамнуният бахш этади.

лик, экологик, муаммоларни ўз ичига қамраб олмоқда. Улар ҳар жойда турли кўринишда намоён бўлса-да, инсоният учун, унинг тараққиёти учун бир хилда хавф солаётганини англамаслик мумкин эмас. Дарҳақиқат, бугун бир зум ҳам ҳушёрликни қўлдан бериб бўлмасликни ҳаётнинг ўзи кўрсатиб қўймоқда. Зеро, терроризм, сиёсий ва диний экстремизм, наркотикизм ҳамда «оммавий маданият» ёки «инсон ҳуқуқлари ҳимояси» ниқо-би остидаги турли таҳдидлар инсоният бошига қандай бало ва офатларни ёлдираётгани ҳаммамизга яхши маълум.

Мажбур вазиятдан келиб чиқиб, Ўзбекистон истиқлолнинг илк давларидаёқ айна йўналишда ўзининг қатъий позициясини белгилаб олгани ва бу қандай самара бераётганлигини нафақат халқимиз, балки халқаро жамоатчилик ҳам кенг эътироф этмоқда.

Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни асраш ҳамда мустақамлаш, минтақани хавфсизлик ва барқарор ривожланиш зонасига айлантириш Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясида устувор вазифалар қаторида белгилаб қўйилган.

Шу ўринда, муҳим бир воқеани такрор бўлса-да, ёлга олиш керак бўлади. 2014 йил 6 май куни БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида — мазкур ташкилот тузилганидан буён биринчи мартаба бешта удровий давлат — АҚШ, Буюк Британия, Франция, Хитой, Россия яқдиллик билан муҳим халқаро ҳужжат — Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд

барпо этиш тўғрисидаги шартномага хавфсизлик ка-фолатлари тўғрисидаги протоколни имзолади.

Хабарингиз бор, Юрт-бошимиз 1993 йили БМТ Бош Ассамблеяси минбаридан туриб ана шу гоёни илгари сурган эди. Бу том маънодаги тарихий воқеаликнинг моҳияти ва минтақамиз халқлари ҳаётида ўтказилган экспресс-сўров натижалари ҳам бунга яққол тасдиқлаб турибди.

Пойтахтимизда истиқомат қиладиган турли ёш, миллат, касб-хунар эгалари ва фаоллар вакиллари қатнашган ижтимоий сўров натижаларидан маълум бўлдики, респондентларнинг мулқоқ қисми Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг юбилей мажлисига айнан Тошкент шаҳри мезбонлик қилганидан фахрлинишини билдирган. Шунингдек, улар мамлакатимиз томонидан ШХТ фаолиятини янада кучайтириш йўлида олиб борилаётган сайёҳаракатлар бу тузилма тараққиёти ҳамда нуфузини юксалтиришга қўшаётган ҳиссаси юқори самара бераётганлигини ҳам эътироф этишган.

Барча иштирокчилар саммитда қабул қилинган Тошкент декларацияси ва бошқа қарорлар ШХТнинг тарихида муҳим босқични бошлаб бергани, тинчлик, оқошталлик ва хавфсизликни мустақамлаш, иштирокчи давлатлар изчил ривожланишини таъминлашга хизмат қилишига ишонч билдирган.

Шубҳасиз, истиқлол йилларида қайси соҳада бўлмасин, қандай натижага эришган бўлса, уларнинг барчаси жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва оқошталлик туфайлидир. Бунинг суд-ҳуқуқ соҳасида изчил ислохотлар, хусусан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилган улкан ишлар мисолида ҳам қўриш мумкин. Ўтган йиллар давомида соҳада олиб бориладиган ислохотлар туфайли юртимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоялашнинг самарали механизми яратилди. Зеро, «Судлар тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, судлар фаолияти асосан қонун устуворлиги ва ижтимоий адолат, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, улар амалда ана шу меъёрлар асосида фаолият юритиб келмоқда.

Миллий қонунчилигимиздан мустақам ҳурин эгаллаган «Хабас корпус» институти тўб замирида ҳам инсонпарварлик таъминлари ўз ифодасини топган. Дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш ва бу борада суд фаолиятини янада либераллаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилиб, амалиётга татбиқ қилинди. Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 8 августдаги

ҳаракатлар юртимизда бебаҳо неъмат — тинчлик ва тотувликни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётган. «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан «Фуқаролар Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг яқинда бўлиб ўтган саммити ҳақида» мавзусида ўтказилган экспресс-сўров натижалари ҳам бунга яққол тасдиқлаб турибди.

Пойтахтимизда истиқомат қиладиган турли ёш, миллат, касб-хунар эгалари ва фаоллар вакиллари қатнашган ижтимоий сўров натижаларидан маълум бўлдики, респондентларнинг мулқоқ қисми Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг юбилей мажлисига айнан Тошкент шаҳри мезбонлик қилганидан фахрлинишини билдирган. Шунингдек, улар мамлакатимиз томонидан ШХТ фаолиятини янада кучайтириш йўлида олиб борилаётган сайёҳаракатлар бу тузилма тараққиёти ҳамда нуфузини юксалтиришга қўшаётган ҳиссаси юқори самара бераётганлигини ҳам эътироф этишган.

Барча иштирокчилар саммитда қабул қилинган Тошкент декларацияси ва бошқа қарорлар ШХТнинг тарихида муҳим босқични бошлаб бергани, тинчлик, оқошталлик ва хавфсизликни мустақамлаш, иштирокчи давлатлар изчил ривожланишини таъминлашга хизмат қилишига ишонч билдирган.

Шубҳасиз, истиқлол йилларида қайси соҳада бўлмасин, қандай натижага эришган бўлса, уларнинг барчаси жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва оқошталлик туфайлидир. Бунинг суд-ҳуқуқ соҳасида изчил ислохотлар, хусусан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилган улкан ишлар мисолида ҳам қўриш мумкин. Ўтган йиллар давомида соҳада олиб бориладиган ислохотлар туфайли юртимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоялашнинг самарали механизми яратилди. Зеро, «Судлар тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, судлар фаолияти асосан қонун устуворлиги ва ижтимоий адолат, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, улар амалда ана шу меъёрлар асосида фаолият юритиб келмоқда.

Миллий қонунчилигимиздан мустақам ҳурин эгаллаган «Хабас корпус» институти тўб замирида ҳам инсонпарварлик таъминлари ўз ифодасини топган. Дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш ва бу борада суд фаолиятини янада либераллаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилиб, амалиётга татбиқ қилинди. Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 8 августдаги

Фармонида кўра, 2008 йил 1 январдан бошлаб қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди. Шунингдек, 2007 йил 11 июлда қабул қилинган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судлар томонидан амалга оширилишига оид қонунчилик асослари яратилди.

Бугунги кунда суриштирув, дастлабки тергов ва суд жараёнида «Хабас корпус» институти самарали қўлланилиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари амалда реал таъминлаб келинмоқда. Ушбу институт қўлланиши доирасини кенгайтиришда 2012 йил 18 сентябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаш лозим. Унга кўра, судга қадар иш юритув босқичида шахсини лавозимидан четлатириш ҳамда тиббий муассасага жойлаштириш каби процессуал мажбурлов чоралари судья санкцияси асосида амалга ошириш тартиби жорий этилди.

Суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида халқимизнинг табиати ва феълига мутаносиб тарзда ярашув институти татбиқ этилиши ҳам муҳим янгиллик бўлди. Зеро, халқимизга хос бағрикенглик, олижаноблик, йиқилганни суяш, адашганга тўғри йўл кўрсатиш каби қадриятларни ўзида мужассам этган бу институт амалда ўз самарасини бермоқда. У жорий этилгандан буён ўтган давр ичида 184 минг нафарга яқин фуқаро жиноий жавобгарликдан озод этилганлиги ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир. Айни чоғда 60 та жиноят таркиби бўйича бу институт қўлла-

лари тўғрисида»ги қарори билан ишлаб чиқилган дастур асосида судлар фаолиятини компьютерлаштириш шарафдорлигини ошириш, судларда ахборот тизими ҳамда ресурсларини яратиш, тadbirkorлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерфoл хизматлар кўламини кенгайтириш бўйича амалий ишлар олиб борилаётган.

Шуни ҳам айтиш керакки, 2015 йил 10 июнда кучга кирган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонун билан манфаатдор шахслар фуқаролик ишлари бўйича судларга электрон шаклда мурожаат қилиш, судлар эса, қақирув қоғозлари, қарор нусхалари ва бошқа суд ҳужжатларини шу тарзда юбориш имкониятига эга бўлди. Жорий йилнинг ўтган даврида 55 мингдан ортиқ электрон тарздаги мурожаатлар келиб тушгани ҳам бу нечоғли фуқароларга қўлай имконият эканидан далолатдир.

Ўзбекистонда қонунчилик ва қонун устуворлиги, ҳуқуқий тартибот ҳамда хавфсизликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ислохотлар натижалари халқаро ҳамжамият томонидан юксак баҳоланмоқда. Хусусан, «The world justice project» халқаро мустақил ташкилотининг «Дунё миқёсида қонун устуворлиги таъминланганлиги индекси» бўйича Ўзбекистон тартибот ва хавфсизлик энг яхши таъминланган кучли бешта давлат қаторига киритилган. АҚШда фаолият кўрсатаётган «Гэллар институти» ижтимоий фикрни ўрганиш марказининг «Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси» бўйича 2015 йилда Ўзбекистон дунёдаги 141 та давлат орасида 2-ўринни эгаллагани ҳам барчамизга мамнуният бахш этади.

«The world justice project» халқаро мустақил ташкилотининг «Дунё миқёсида қонун устуворлиги таъминланганлиги индекси» бўйича Ўзбекистон тартибот ва хавфсизлик энг яхши таъминланган кучли бешта давлат қаторига киритилган.

нилаётгани унинг кўлами ва аҳамиятидан яққол дарак бериб турибди.

Тизимга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда. Хусусан, Вазиirlар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги «Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбир-

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли изчил ислохотлар юртимиз тинчлиги ва халқимиз оқошталлиги, шу заминда яшаётган ҳар бир инсон бахтли ва муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилганлиги билан беқийс аҳамиятга эга.

Қўқор ТОҒАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раисининг
ўринбосари.

■ 2016 йил —
СОҒЛОМ ОНА ВА
БОЛА ЙИЛИ

Ҳарбийларга
ЯНГИ
уй-жойлар

Жанубий-гарбий округга қарашли ҳарбий қисмларда хизмат қиладиган 48 нафар ҳарбий хизматчи янги хонадонларнинг қалитлари топширилди.

— Соғлом она ва бола йили биз учун қўшалоқ шодиёнага айланди. — дейди янги уй бекаси Меҳринисо Эшназарова. — Истиқлол айёми арафасида орзумиз ушалиб, янги уйга қўчиб ўтдик. Худудда ажойиб болалар майдончаси барпо этилган. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари кўнгилдагидек. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохбечалари ишлаб турибди. Фарзандларимизни шу юртга муносиб ворислар қилиб тарбиялаймиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ САНЪАТ

Кулги
усталари
танлови

Асака шаҳридаги истироҳат бонди Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, халқаро «Олтин мерос» хайрия жамоат фонди, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ҳамкорлигида миниатюра театрлари ва аскиячиларнинг республика кўрик-танлови ўтказилди.

Унда талловнинг худудий босқичларида ғолиб чиққан театр жамоалари ва кулги усталари қатнашди. Сўлим боғ таниқли ижодкорлар, санъаткор ва кулгисеварлар билан тўлдди.


Танловда Сурхондарё вилоятидаги «Кўштирноқ» миниатюра театри ижодкорларининг чиқиши энг юқори баҳоланди. Асака туманидаги «Бешбармоқ» ижодий жамоа иккинчи, Самарқанднинг «Қитмирлар» ва Бухоронинг «Этиққор» кичик театри учинчи ўринга сазовор бўлди.

Аския айтишда эса мезбонлар (Асака тумани) ғолиб деб топилди. Фарғоналиклар иккинчи, Бухоро ва Наманган вилояти вакиллари учинчи ўринга муносиб кўрилди. Ғолиб ва совриндорлар диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ

■ Илгари хунар эгалари яширинча меҳнат қиларди, тайёрлаган маҳсулотини сотишга қийналарди. Мустақиллик туфайли хунарамандларнинг ҳам елкасига офтоб теги.



Бахтиёр МУСТАНОВ олган суратлар.

УРГУТНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ ВА ЮТУҚЛАРИ ТОҒЛАРИ КАБИ ЮКСАК

Улар Ургут ҳақидаги таассуротларини Президент Ислам Каримов томонидан қолдирилган тарқатилиши, ернинг деҳқонлар ўртасида тақсимланиши ва ургутликлар турмуши сезиларли даражада яхшилана бошлагани билан тугатишди.

Ургутга келган киши унинг тоғларидан завқ олади. Баланд, залворли чўққилар қалбларга қувонч, ором бағишлайди. Бу тоғлар бағрида сон-саноксиз серсув булуқлар, шифобахш ўтлар ва сир-синоат беҳисоб. Тоғларнинг гўзаллигини, файзу тароватини, зилло суваридан не-не ажодлар баҳраманд бўлиб келмоқда.

Ургут шаҳри рўпарасидаги Аллоёрон тоғ чўққисига қимлар ҳавас билан тикилган. Чўққи эса кўкка мағрур бўй чўзиб турибди.

Ургут аҳли гўё ана шу баланд чўққидан, залворли тоғлардан куч-қувват олаётгандек...

Уларнинг фидокорона меҳнати билан Ургутнинг қиёсаси, иқтисоди, ҳаёти бутунлай ўзгарди.

— 1990-йилларнинг бошларида туманда бор-йўғи иккита тикувчилик фабрикаси фаолият кўрсатган бўлса, ҳозир 143 та саноат корхонаси мавжуд, — дейди **туман ҳокимининг ўринбосари Абдуғаффор Мадаров**. — Шу даврда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш

ҳажми 100 миллион сўмдан 298 миллион сўмга етганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Туманда мустақиллик йилларида мева-сабзавотларни қайта ишлаш, қуритиш, қadoқлаш, полиэтилен маҳсулотлари, полиэстер тола, спорт пойабзаллари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Черепица, бўз, чиг, электр печ ва плитка, пластмасса маҳсулотлари каби халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш кўпайди.

2014 йилнинг охирида ўз фаолиятини бошлаган «Исматулло Нур» масъулияти чекланган жамияти дастлаб кичик бинадода 40 донга пайпоқ тўқиш дастгоҳига эга эди. Корхонада 20 киши ишларди. Кейинчалик эса 0,40 гектар майдонда янги ишлаб чиқариш бинолари қурилди. 480 минг АҚШ долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция килтириш эвазига дастгоҳлар сони 140 тага, ишловчилар сони 60 нафарга етказилди.

— Корхона ташкил этилган, ишни энг зарур ускуналарни харид қилишдан бошладик, — дейди **жамият раҳбари Олимжон Ҳазраткулов**. — Бунда дастлаб «Савдогарбанк» кредитлари биз учун ниҳоятда қўл келди. Қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда эса ўз маблағимиздан фойдаландик. Ишчи кучи излаб ўтирмадик. Туманимиздаги касб-хунар коллежларини битирган 20 нафар қиз пайпоқ тўқиш

ни қисқа муддатда ўзлаштирди. «Алһазар Орзу сервис» масъулияти чекланган жамиятида сунъий тола ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. 2010 йилда ташкил этилган мазкур корхонада бугунги кунда 100 нафарга яқин ишчи меҳнат қилапти. Аҳамият-лиси, бу корхона учун хомашё масаласи муаммо эмас. Чунки чиқатга чиқарилган елим идишлар — «бакалшк»лардан маҳсулот ишлаб чиқарилади.

— Эътиборлиси, маҳсулотларимизнинг қисқа муддатда экспортга чиқарилганидир, — дейди **корхона иш бошқарувчиси Хуршид Лутфуллаев**. — Биламизки, бунинг замирида, энг аввало, давлатимиз томонидан яратилиб берилган бекиёс имкониятлар ётибди. Дастлаб корхонани ишга тушириш учун Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг 1 миллион 230 минг АҚШ долларли микдоридagi кредити ҳисобига Жанубий Кореядан ускуна сотиб олдик. Шу билан бирга, бино иншоотлари қурилиши учун таъсисчиларнинг 150 миллион сўм микдоридagi маблағларини жалб этдик. Эндиликда корхонамиз йилга ич минг тонна сунъий тола ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди.

Тумандаги «Нур-Сам-Қур» масъулияти чекланган жамияти янги ташкил этилган корхоналардан. Бу ерда 2015 йилда мато-газламалар қайта ишлана

бошлади. Уларга гул босиш ва безак бериш лойиҳаси амалга оширилди. Ҳозирги кунда корхонада 60 нафардан ортиқ ишчи ва ходим ишламоқда.

Корхона ускуналари ТИФ Миллий банкнинг 3,5 миллион сўм микдоридagi кредити ҳисобига Ҳиндистон мамлакатидан олиб келинган. Бу ускуналарнинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 3 миллион погонметр-ни ташкил этади.

«Ургут Шанхай» масъулияти чекланган жамияти базасида ташкил этилган «Альфа Макс Алянс» қўшма корхонасининг иш бошлаганига тўрт йил бўляпти.

Корхона туман ҳокимлиги томонидан ажратилган 0,5 гектар майдонда ташкил қилинган эди. Бу ерда ҳар хил турдаги пайпоқлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати қисқа муддатда 1,2 миллион жуфт пайпоқни ташкил этди. Яратилган иш ўринлари 24 тага етди. 2016 йилда бир миллион жуфт пайпоқ ишлаб чиқариш ва унинг бир қисмини экспорт қилиш режалаштирилган.

«Ургут Қўрқам Текстиль» қўшма корхонаси фаолияти ҳақида ҳам илиқ фикрлар айтиш мумкин. Мазкур корхона 2015 йилда Хитой давлати компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унинг фаолияти газлама ва матоларга безак бериш ва гул босишга йўналиш-ти.

Корхона йиллик ишлаб чиқариш қуввати 96 минг погонметр-ни ташкил этади. 2016 йилнинг биринчи чорағида 150 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу корхона 2017 йилдан бошлаб ўз маҳсулотини хорижга экспортга чиқаришни мўлжаллаб турибди.

Яна бир қўшма корхона — «Ис-Нур-Қутлан» пайпоқ ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Корхонага туман ҳокими қарори асосида 0,8 гектар ер ажратилган. Ана шу ерда корхона иншоотлари қурилди. Унинг йил-лик ишлаб чиқариш қуввати 20 миллион жуфт пайпоқни ёки 10 миллион сўмни ташкил этади.

Бундай ҳаракатлар натижа-сида Ургут тумани енгил сано-тида етакчи ўринга чиқиб олди. Бугун янгидан ташкил этилган корхоналарда гул босилаётган, безак берилаётган газламалар-дан гўзаллик уфурди, одам-ларни ўзига маҳлиё этади.

— Ургутда хунарамандчи-ликнинг бирор соҳаси билан шу-ғулланмаган хонадонни топиш мушкул, — дейди **туман хунарамандлар уюшмасининг раиси Орзу Ражабов**. — Илгари хунар эгалари яширинча меҳнат қиларди, тайёрлаган маҳсуло-тини сотишга қийналарди. Муста-қиллик туфайли хунарамандлар-нинг ҳам елкасига офтоб теги. Мен 2013 йилдан буюн уюшма-га бошчилик қиламан. Хунарамандчилик турлари ёшларимиз-

нинг изланишлари туфайли йил-дан-йилга ортиб бормоқда. Хунарамандлар асосан ёғоч, ту-нук, металл буюмлари ясаш, миллий кийим-бошлар тикиш, матоларга безак бериш ва бош-қа йўналишлар билан шуғулла-надилар.

— Мустақилликдан аввалги кунлар ҳақида гапириш жуда оғир, — дейди **темирчи уста Жалол Облокулов**. — Темир ва кўмир топиш муаммо эди. Уларни қиммат нархларда топ-сак, ясаган буюмларимизни эркин сота олмадик, бизнинг меҳнатимиз гўё ўша замон сиёсатида зид эди. Ҳозир қўли-дан иш келадиган одамга ҳамма шароит яратилган. Ёшим етмиш бешда. Шу темирчиликнинг ор-қасидан муборак ҳаж зиёрати-га бордим. Темирчиликдан топ-ганим ҳисобига «Ласетти» со-тиб олдим. Уни ўзим бошқара-яман.

Ургут қулоллари сулоласи-нинг таниқли вакили Абдулло ку-либ (1648 — 1735 йиллар)нинг саккизинчи авлоди Нўмон Облокулов ховлиси дарвозасига «Усто» бирлашмаси томонидан ўрнатилган мрамар лавҳада шун-дай биткилар бор:

«Бу хонадонда жумҳурият халқ амалий санъатини ривожланти-рган, Ўзбекистонда хизмат кўрсат-ган санъат арбоби, қулоллар су-лоласининг вакили Маҳкам Облокулов (1920 — 1992 йиллар) ва чевар каштачи Саҳобат

Раҳматуллаева (1925 — 1996 йил-лар) яшаб ижод қилишган».

Нўмонжоннинг кўрик-тан-ловларда олган дипломлари сони жуда кўп. У ота-боболари томонидан яратилган, Ургут қу-лолчилигига хос бўлган оқ, яшил, тўқ сариқ ранглардан фойдаланиб ижод қилади. Ма-ҳаллий хомашёлардан, тупроқ, гил, бўта, гилмоя, қамиш гули, оқ тош, темир, мис, шиша ку-нунларидан фойдаланади. У қу-лолчиликнинг уч йўналиши кўза-гар, косагар ва тандирсозликда ҳам бирдай ижод қилади.

Бу хонадонга устанинг қўлларидан яратилган мўъжиза-ларни кўрмоқ учун Япония, Жанубий Корея, Швейцария, Франция, Германия, Италия, АҚШ, Канада, Покистон, Эрон, Исроил, Россия, Беларусъ, Қозоғистон, Қирғизистон каби ўнлаб мамлакатлардан меҳмон-лар ташриф буюришган. Мус-тақиллик бу хонадон эшикларини барчага очиб қўйди. Юқори-даги мамлакат музейлари ва кўргазма залларида уста меҳр бериб ясаган буюмлар муста-қил Ўзбекистон номидан, Ургут номидан кўр тўкиб турибди.

Уста Зиёдулла Жўраев Ургутнинг таниқли тунукасозла-ридан бири.

— Мустақиллик даврига ке-либ касбим туфайли обрў топ-дим, бойлик топдим, — дейди у. — Фарзандларим ҳатто, на-бираларим ҳам изимдан бориш-япти. Бугун фарзандларимнинг барчаси уйли-жоили, ўзига тўқ. Уларга қараб туриб, фخرлана-ман, шу кунларга етказганига шукр дейман.

Назаримизда, уста Зиёдулла ака барча ургутликларнинг дил сўзини изҳор эттанди бўлди.

Абдурашул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



XALQ BANKI

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС ВА ҲАМҚАДАМ



Мустақиллик йилларида пухта ўйланган ислохотлар натижасида иқтисодиётнинг барча соҳасида мисли кўрилмаган натижаларга эришилди, шунга мувофиқ тарзда юрдошларимизнинг онгу тафаккури юксалиб, ҳаётга ва меҳнатга муносабати ҳам бутунлай ўзгарди.

Бутун дунёда эътироф этилган тараққиётнинг «ўзбек модели» асосида молия муассасаларини ислох қилиш ҳамда янада ривожлантириш юзасидан аниқ чора-тад-бирлар кўрилгани самараси ўлароқ қисқа муддатда Ўзбекистонда мустақил банк тизими яратилди. Акциядорлик тижорат Халқ банкнинг фаолияти баркарорли-гини таъминлаш, аҳоли ишончини мустаҳкамлаш, за-монавий банк хизматлари кўрсатиш борасида амалга ошираётган ишлари бунга ёрқин мисол бўла олади.



ЯНГИ ТЎЛОВ ТИЗИМИ БАРЧА ХУДУДНИ ҚАМРАБ ОЛМОҚДА

Қишлоқ жойларда яшовчи фуқаролар илгари коммунал ва бошқа тўловларни амалга оши-риш учун туман марказларига борганиликлари ҳаммамизга маъ-лум. Халқ банки уларнинг ман-фаатларини кўзда тутган ҳолда, нафақат шаҳар ва туманларда, балки қишлоқ жойларда, маҳал-лаларда филиаллар, махсус кас-салар, жамғарма ва сайёр кас-салар ташкил этиб, замонавий технологиялар воситасида аҳоли талаблари бўйича банк хизмат-лари кўрсатишга ҳаракат қилиб келмоқда. Чунки, банк ходим-лари ўша ҳудудларга бориб, аҳолидан нақд пул ва тўлов тер-миналларидан қабул қилинган тўловларни планшетларга ўрна-тилган махсус дастур орқали он-лайн тизимда қорхоналарнинг ҳисоб-қамларига ўтказиб кел-моқда.

Айниқса, дам олиш кунлари-да ҳам банк ходимлари бундай юмушни бажараётгани фуқаро-ларимизга манзарув бўлмоқда.

— Халқ банкнинг тумани-миздаги филиалида мижозлар учун яратилган қулайликлардан хурсандимиз, — дейди **Кибрай туманидаги «Яшнобод» маҳал-ласида яшовчи Абдуҷалол Мадиев**. — Кунни кеча янги жор-ий қилинган планшет мослама-си орқали газ ва совуқ сув учун пул тўладим. Авваллари тўлов-

ларимиз белгиланган ҳисоб ра-қамига тушиши учун муайян вақт кетар эди. Янги хизмат орқали эса барча турдаги тўловлар бир зумда амалга оширилса, ҳатто кичик принтер ёрдамида тегиш-ли чекини олса ҳам бўлар экан.

ХАВФСИЗЛИК ВА ИШОНЧ ГАРОВИ

Халқ банки тизимида замо-навий ахборот технологиялари-ни ривожлантиришга ҳам ало-ҳида эътибор қаратилмоқда. Эеро, бу молия бозорида рақо-батбардошликни ошириш, хиз-мат кўрсатиш сифатини яхши-лашда муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда банк тизими-да янги биометрик технология-лар асосида мижозларнинг бар-моқ изи бўйича омонатларга маблағларини қабул қилиш йўлга қўйилган.

Жорий йил июлидан бошлаб банкнинг барча филиалларида тўлиқ жорий этилган ушбу ти-зимнинг ютуқли томони омонат-чининг иштирокисиз ҳеч қандай операциялар (фоизлар ҳисобла-нишлардан ташқари) амалга оши-рилмаслигини.

— Кўп йиллардан буюн Халқ банкнинг туманимиздаги фили-алига маблағларини омонатга қўйиб келаман ҳамда унда ҳисобланган ойлик фоизларни белгиланган вақтда оламан. Бу ерда омонатчиларга янада кўпроқ қулайликлар яратиш мак-садида «Бармоқ изи» дастури

ишлаб чиқилиб, амалиётда қўлланилаётгани, айниқса, диқ-қатга сазовор, — дейди **Олма-зор туманида яшовчи Олмас-ниё Нисометова**. — Бу дав-турнинг менга маъқул бўлган жиҳати шуки, ҳар қандай мижоз қисқа вақтда омонатини қўйиши



ва олиши мумкин. Ишонасизми, мен биринчи марта бармоқ из-ларим ёрдамида банкка омонат қўйдим. Бу жуда кам вақт талаб қиладиган ва ишончли тизим экан. Барака топсин, банк хо-димлари!

«ИНТЕРНЕТ БАНКИНГ» ВА «МОБИЛ БАНКИНГ» АФЗАЛЛИКЛАРИ

Халқ банки томонидан «Ин-тернет банкинг» ва «Мобил бан-кинг» тизимларини жорий этиш бўйича изчил ишлар олиб бо-рилмоқда. Бу молия муассаса-си фаолияти самарадорлигини ошириш билан биргаликда



мижозлар учун ҳам қў-шимча қулайликлар яратяпти.

Гап шундаки, мижоз ўз ҳисобварағи бўйича амалларни банкка бормасдан, хоҳлаган жойдан туриб, истаган вақтда интернет орқали бажари-риши, яъни ҳисобварағидаги маблағларни ўтказиши, улар-нинг ҳолати, маблағнинг келиб тушиши, тўловларнинг акс эти-шига доир маълумотларни оли-ши мумкин. Бу унинг вақтини тежаши, маблағини тезкор бош-қариши учун яратилган афзал-ликлар, албатта.

Эътиборлиси, мижоз ҳақида-ги ҳар қандай маълумот сир сақ-ланиши қонун билан белгилан-ган бўлиб, унга амал қилиш Халқ банки томонидан қафолатлана-ди.

«SMS-ХАБАРНОМА» ХИЗМАТИ

Акциядорлик тижорат Халқ банкнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими ишти-рокчилари учун «SMS-хабарнома» хизмат тури жорий этилди.

Ушбу интерактив хизмат тури ахборот коммуникация соҳасида-ги илгор технологиялардан фой-даланган ҳолда мижозларга тез ва ишончли хизмат кўрсатиш им-кониятини беради.

Бир сўз билан айтганда, «SMS-хабарнома» мижознинг мо-бил алоқа воситалари орқали иста-ган вақтда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобра-қамидagi маблағлар қолдиги тўғри-сида маълумот олиш имконини берувчи дастурий тизимдир.

Банк ахборот хизмати.
Хизматлар лицензияланган.

МУАССИС:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Saidkamol

Saidahmad RAHIMOV

Hotamjon KETMONOV

XODJAYEV

Farrux HAMROYEV

Ulug'bek VAFOYEV

Muslihidin

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Rustam KAMILOV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

Ochilboy RAMATOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar

ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot

agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.

Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va

shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini

ko'chirib bosish faqat tahririyat

ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 759

9052

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 21:50

Topshirilgan vaqti — 01:30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

7720107433004

1 2 3 4 5 6